ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Корабоев Элдор Алижонович

ТАТУ “Манънавият ва маърифат” бўлими бошлиғи

Аннотация: Мазкур мақолада энергетика саноатининг ташкилий-иқтисодий фаолиятида ахборот хавфсизлигининг илмий-назарий асослари баҳоланган.

Калит сўз: Энергетика корхоналари ахборот хавфсизлиги, кибергигиенавий иқтисодиётни бошқариш.

Бугунги кунга келиб, ахборот ва ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари инсоният яшаш тарзини нафақат яхшилаш, балки тараққий эттиришдаги аҳамияти юксалиб боргани сари инновацион фаолиятнинг асосий таркиби ахборот технологиялари қамровида амалга оширила бошланди. Ахборот технологияарига асосланган технологик воситалар, дастгоҳлар, ускуналар автоматлаштирилиши натижасида алгоритларнинг мураккаблашуви инновацион ахборот технологияларининг кескин ошишига туртки бўлди.

Энергетика саноатининг ҳар бир мамлакатнинг саноат инфратузилмасидаги аҳамияти ўта юқори даражада бўлиб, унинг ахборот технологиялари билан уйғунликда фаолиятини йўлга қўйиш XXI асрнинг долзарб талабига айланиб улгурди. Энергетика саноатида ахборот технологияларининг ўта рақамлаштирилишга қарам бўлиши киберхавфсизлик жиҳатдан ривожланишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида энергетика саноати корхоналарининг ташкилий ва иқтисодий фаолияти механизмларида ахборот хавфсизлигининг фаоллиги ва самарадорлиги билан ҳисоблашишни тақозо этади.

Ахборот хавфсизилигининг тарихи хакерлар билан боғлиқ бўлиб, дастлаб киберхужум 1834-йилда Францияда молиявий бозорлар борасидаги маълумотларнинг телеграф тилими орқали ўмарилиши тарихда қайд этилган.[https://www.monroecollege.edu/news/cybersecurity-history-hacking-data-breaches#:~:text=Cybersecurity%20history%20is%20interesting%20indeed,would%20become%20%E2%80%9Cthe%20internet.%E2%80%9D] Телефон ҳамда телеграф тизими орқали бу каби киберхужумни амалга оширган кўплаб ҳолатлар қайд этилган бўлиб, 1940-йилда Рене Кармил томонидан бажарилган. У перфокартали компьютерларнинг тажрибали устаси сифатида фаолият олиб борган, ахборотларни қайта ишлаш мақсадида ўзининг ихтиро машинасидан фойдаланган, уни бошқа шу каби фойдаланувчиларни топиш ғояси орқали хакерлик фаолиятини расман асос солган.[https://www.monroecollege.edu/news/cybersecurity-history-hacking-data-breaches#:~:text=Cybersecurity%20history%20is%20interesting%20indeed,would%20become%20%E2%80%9Cthe%20internet.%E2%80%9D] Асосий иқтисодий ва молиявий маълумотлар билан ишлаш биржалари кўпайиб, оммалашиб боргач 1962 йилда АҚШнинг Массачусетс технологик институти олимлари компьютерга дастлабги калит сўзни киритишни ўрнатишган. Шу аснода киберхавфсизликнинг иқтисодий асослари юзага келган.

Киберхавфсизлик иқтисодиётига аниқ таъриф берилмаган бўлиб, киберхавфсизлик ва иқтисодиётга алоҳида изоҳ берилган. Хусусан, Wikipedia иқтисодий киберхавфсизликка

“ахборот хавфсизлиги иқтисодиёти шахсий ҳаёт ва компъютер хавфсизлиги иқтисодиётига мурожаат этилади. Ахборот хавфсизлиги иқтисодиёти қатъий рационал “homo economicus” моделларини ҳамда хулқ-атвор иқтисодиётини ўз ичига қамраб олади”-дея таъриф берилган.[https://en.wikipedia.org/wiki/Economics_of_security]

Ахборот хавфсизлигининг фан сифатида наноиқтисодиётнинг қисмига 2010 йилдан сўнг киритилди. 2000-йилда Буюк Британиянинг Кембридж ахборот лабораториясининг техник профессори Р.Андерсоннинг “Нега ахборот хавфсизлиги мураккаб” номли рисоласида хавфсизлик технологияларини ишлаб чиқишнинг бош муаммоси технологияга рағбатларнинг тўғри келишига боғлиқлигини келтирган. Бу билан Р.Андерсон иқтисодий ғояларнинг техник лойиҳалар билан интеграциялашувини таъминланиши лозимлигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, иқтисодий хавфсизликка хавф соладиган рисклар уни таъминловчи технологияларига инвсетиция қилиш орқали рискларни бартараф этиш лозим. Мазкур ҳолатни механизмининг фаоллашуви камида ижтимоий жиҳатдан аҳоли турмуш тарзини ва фаровонлигини таъминлаш юзасидан ўзини оқлаши кафолатланади.[Ross Anderson. Why Information Security is Hard – An Economic Perspective.University of Cambridge Computer Laboratory, J.Thomson Avenue, Cambridge CB3 0FD, UK Ross.Anderson@cl.cam.ac.uk, 2000, 64 p]

2000-йилда Вольфрам давлат бошқарув мактабининг иқтисодиёт факультети иқтисодчи тадқиқотчиси Гарвард Кемп томонидан “хавфсизлик жавоавий фаровонлик гарови санламайди, аксинча, ҳар бир қадриятнинг акс таъсир алоқавийлигига кўра кучсиз томонилари мавжуд”-деган мулоҳазани интернетнинг оммалашувида қўлланилган интернет браузерларнинг муаммоли ва качликка эга жиҳатларининг аниқланганлигига нисбатан таъриф берган. Хусусан, Mozilla интернет браузерларининг ахборотларининг бошланғич даражадаги муатахассислар томонидан хакерлик уринишларига муаммоосиз йўл қўйилганлиги мазкур хавфсизликни оммавий фойдаланувчиларнинг воситалари орқали амалга оширилганлиги туфайли амалга оширилган.[Гордон, Лоуренс А .; Леб, Мартин П. (ноябрь 2002 г.). «Экономика инвестиций в информационную безопасность» . Транзакции ACM по информационной и системной безопасности . 5 (4): 438–457. дои : 10.1145/581271.581274 . S2CID 1500788 .] Шунингдек, “рақибларнинг таҳлилий тизимига ахборот хавфсизлиги орқали жавоб бериш” номли Л.Гордон ҳамда П.Мартин томонидан чоп этилган рисолада конфиденциал маълумотларга эга бўлишда рақобатчи корхоналар учун устунлик касб этишида қўлланилиши муҳимлигини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрига кўра, ахборотга эгалик бозордаги рақибнинг нозик жиҳатларидан фойдаланишда қўлланилишини олдини олишга қаратилган ахборот хавфсизлиги механизмининг ишлаб чиқилиши ахборот инфратузилманинг ягона эгаси-корхона бўлишини таъминлашга қодир саналади.[Lawrence A. Gordon and Martin P. Loeb. Using Information Security as a Response to Competitor “ANALYSIS SYSTEMS”. COMMUNICATIONS OF THE ACM. September 2001/Vol. 44, No. 9, 71-77] Мазкур хулоса ўйинлар назариясига асосан тузилмага эга ҳисоб-китобларга биноан шаклланган.

Ҳинд кибериқтисодчи олими Н.Кшетри ўзининг глобал иқтисодиётда кибержиноат ва киберхавфсизликка бағишланган “Жанубда глобал кибержиноят ва киберхавфсизлик” номли китобида ҳар 11 сонияда киберхавфизликни амалга оширилишига уринишларнинг бажарилиши ҳамда 70%и хакерликни муваффақиятли олиб борилиши билан тавсифланади. Уларнинг аксарият қисми энергетика саноати корхоналари ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг энергетика саноати қорхоналарига молиявий йўқотишлар, ишлаб чиқаришни бой берилиши, репутацион ҳолатга салбий таъсир, қонун олдида жавобган

бўлиш, бизнес фаолиятининг узлуксиз ишлаб чиқариш фаолиятида қўлланилишига салбий таъсир қилиши сингарилари асосий фоизни эгаллайди.[Кашетри. H. Cybercrime and Cybersecurity in the Global South (International Political Economy Series).

N. Kshetri. Cybercrime and Cybersecurity in the Global South (International Political Economy Series).]

Энергетика саноати корхоналарининг киберхавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича кўплаб корхоналар ўзининг конфиденциаллигини таъминлагани боис сир тутилса, баъзи корхонларда бу ва бу каби маълумотларнинг ўзи мавжуд бўлмагани туфайли сир тутилади. Шунга кўра, энергетика саноати корхоналаридан ташқари етакчи саноат корхоналарининг киберхавфсизлиги иқтисодиётида ташкилий иқтисодий механизмларни матн кўринишида ўзларининг электрон манзилларида келтирганлар холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.https://www.monroecollege.edu/news/cybersecurity-history-hacking-data-breaches#:~:text=Cybersecurity%20history%20is%20interesting%20indeed,would%20become%20%E2%80%9Cthe%20internet.%E2%80%9D

2. Lawrence A. Gordon and Martin P. Loeb. Using Information Security as a Response to Competitor “ANALYSIS SYSTEMS”. COMMUNICATIONS OF THE ACM. September 2001/Vol. 44, No. 9, 71-77

3. Иминова Н. А. Особенности формирования электронного университета в условиях интеграции в мировое информационное общество //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2017. – С. 122-124.

4.Saitkamolov M. S. PRINCIPLES AND TRENDS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN THE DIGITAL ECONOMY OF UZBEKISTAN //British View. – 2022. – Т. 7. – №. 1.

5.Бободжонова З. Economic regulation of development methods for water injection at explored fields //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 11/S. – С. 37-41.